ИСТЕЪМОЛ ВА ТЕХНИК ЭТИЛ СПИРТИ, АЛКОГОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНМАГАНДА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ

Сайимов Отабек Курашович
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги
Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг
Юридик бўлими бошлиғи
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20108425

Аннотация: Мақолада истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензия талабларига риоя қилинмаганлиги учун молиявий санкцияларни қўллаш учун асос бўлган қонун ҳужжатлари, уларни ихтиёрий ундириш, ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда жаримани суд орқали ундириш тартиблари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш, лицензиялаш, молиявий санкциялар.

Алкоголь маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири алкоголь маҳсулотларининг айланиши соҳасидаги давлат назоратини таъминлашга қаратилган.

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш жуда муҳим тартиб-таомилдир, чунки унинг мақсади истеъмол бозорида контрафакт алкоголь маҳсулотларига чек қўйишдир.

Ўзбекистон Республикаси “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга 1-илова “Амалга оширилиши учун лицензияларни олиш талаб қилинадиган фаолият турлари” 9-бандида истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия турлари белгиланган. Хусусан:

– ректификатланган истеъмол этил спиртини, шу жумладан узум, резавор мева, шунингдек вино спиртини, узум ва резавор мевадан тайёрланган спирт хом ашёсини ишлаб чиқариш;

– техник этил спиртини, эфироальдегидли фракцияни (этил спиртининг бош фракциясини) ишлаб чиқариш;

– узум, вино, коньяк, виски, ром, резавор мева ва кальвадос дистиллятини ишлаб чиқариш;

– арақ, шу жумладан узум ва мева арағини, шунингдек ликёр-арақ маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

– коньяк, коньяк ичимлигини, бренди, виски, ром, кальвадосни ишлаб чиқариш;

– узум ва резавор мева виносини, кўпикланадиган ва газли винони ишлаб чиқариш;

– ўткирлиги 7,0 фоиздан 22 фоизгача бўлган вино ичимликларини ишлаб чиқариш;

– узум ва резавор мевадан тайёрланган вино материалларини ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга илова “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари” 50-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 80-сонли Қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини

лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона Низом”нинг
8-иловаси 4-бандига асосан лицензияловчи орган ҳисобланади.

Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар қонунга, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳақидаги низомларга ва уларнинг паспортларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Лицензия талаблари ва шартлари – фаолиятнинг лицензия-ланадиган тури билан шуғулланишда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, Ягона низомда ва у билан тасдиқланган Паспортларда белгиланган талаблар ва шартлар мажмуидир.

Ягона низомга 7-илова “Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш Паспорти”
12-банди “а-к” кичик бандларига асосан лицензияловчи орган лицензиат томонидан фаолиятни амалга оширишда 11 та ҳолатда лицензия талабларига риоя қилинмаганда жарима кўринишида молиявий санкцияларни қўллаши белгиланган. Жумладан:

– этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини лицензия олиш чоғида аризада киритилмаган сақлаш жойларида сақлаш — бундай сақлаш жойларида бўлган маҳсулот қийматининг 100 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

– ташкилотлар томонидан алкоголь маҳсулотларини бундай маҳсулотга белгиланган энг кам улгуржи нархлардан паст нархларда сотиш:

алкоголь маҳсулотларини (пиводан ташқари) ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилган қийматнинг 20 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

жарима қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида айнан ўша қоида бузиш такроран аниқланганда — алкоголь маҳсулотларини (пиводан ташқари) ишлаб чиқарган ташкилот томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилган қийматнинг 50 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

– истеъмол этил спиртини 50 фоизлик олдиндан тўловсиз сотиш-олиб чиқиб кетилган ёки ташиладиган маҳсулотнинг 50 фоизи қиймати, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

– алкоголь маҳсулотини (пиво маҳсулоти, кўпикланадиган ва табиий винодан ташқари) алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосини амалга ошириш бўйича лицензияга эга бўлмаган шахсга сотиш — олиб чиқиб кетилган ёки ташиладиган маҳсулотнинг 100 фоизи қиймати, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

– истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ахборот тизими ҳисобига киритмасдан ишлаб чиқариш ва (ёки) муомалага чиқариш — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;

и) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ахборот тизимига ишлаб чиқарилган ва (ёки) муомалага чиқарилган истеъмол этил спирти, алкоголь маҳсулоти ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд ишончли бўлмаган маълумотларни тақдим этиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;

й) бошқа лицензия талабларининг бажарилмаслиги — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;

к) алкоголь маҳсулотларини акциз маркаларисиз ёки сохта акциз маркалари билан ишлаб чиқариш — базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида молиявий жарима қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга илова “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари” 50-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги 80-сонли Қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона Низом”нинг
8-иловаси 4-бандига асосан лицензияловчи орган ҳисобланади.

2021 йил 14 июлдаги “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасига асосан жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш кун ичида Инспекция жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор ваколатли органнинг биринчи раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

Ваколатли орган томонидан махсус электрон тизими воситасида расмийлаштирилган жарима солиш тўғрисидаги қарор автоматик равишда ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган ҳамда лицензияни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки хабарнома юбориш тўғрисидаги ариза билан ваколатли органга мурожаат қилинган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонуннинг 48, 56-моддалари ҳамда Ягона низомнинг 54-бандига асосан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилаётганда лицензияловчи органлар ўз ваколатлари доирасида лицензия бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича юридик шахсларга жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уни мажбурий ундириш бўйича судга даъво аризаси киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 40^1-моддасида ҳуқуқий таъсир чораси сифатида молиявий жазо чоралари ихтиёрий тўланмаган тақдирда фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланган.

217-моддасига кўра ҳуқуқий таъсир чораларига молиявий санкцияларни қўллаш киритилган *(юридик шахснинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олганлиги ва молиявий санкциялар суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно)*.

Шунинг учун, ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланмаган молиявий санкцияни ундириш тўғрисида судга ариза киритиш ҳам ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади. Чунки лицензияловчи орган молиявий санкцияни мажбурий ундириш ваколатига эмас.

Молиявий санкция ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижрога қаратилади. Суж ҳужжатининг ижроси суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади. (ФПК 334-м.).

Ижро варақаси ундирувчи юридик шахсларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади. Бюджетга маблағларни ундириш учун ижро варақаси қарздор турган жойдаги давлат ижрочисига суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичида юборилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 15.07.2021 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 октябрдаги 713-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси тўғрисида”ги Низом.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона Низом”.
4. 01.04.2018 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси.
5. 15.06.2000 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни.